

## Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 252-ҳадис

252 - عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، قَالَ: حَرَجْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي غَزَاةٍ، فَأَبْطَأَ بِي جَمَلِي، فَأَتَى عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ لِي: «يَا جَابِرُ»، قُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ: «مَا شَأْنُكَ؟» قُلْتُ: أَبْطَأَ بِي جَمَلِي، وَأَعْيَا فَتَحَلَّلْتُ، فَنَزَلَ، فَحَجَنَهُ بِمِحْجِنِهِ، ثُمَّ قَالَ: «أَكْرَبُ»، فَكَيْفْتُ، فَلَقَدْ رَأَيْتُنِي أَكْفُهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: «أَتَزَوَّجْتِ؟» قُلْتُ: نَعَمْ، فَقَالَ: «أَبِكْرًا، أَمْ ثَيِّبًا؟» قُلْتُ: بَلْ ثَيِّبٌ، قَالَ: «فَهَلَّا جَارِيَةً، تُلَاعِبُهَا وَتُلَاعِبُكَ»، قُلْتُ: إِنَّ لِي أَخَوَاتٍ، فَأَحْبَبْتُ أَنْ أَتَزَوَّجَ امْرَأَةً تَجْمَعُهُنَّ، وَتَمْسُطُهُنَّ، وَتَقُومُ عَلَيْنَهُنَّ، قَالَ: «أَمَّا إِنَّكَ قَادِمٌ، فَإِذَا قَدِمْتَ فَالْكَيْسَ الْكَيْسَ»، ثُمَّ قَالَ: «أَتَبِيعُ جَمَلَكَ؟» قُلْتُ: نَعَمْ، فَاشْتَرَاهُ مِنِّي بِأَوْقِيَّةٍ، ثُمَّ قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَقَدِمْتُ بِالْعَدَاةِ، فَحِجْتُ الْمَسْجِدَ، فَوَجَدْتُهُ عَلَى بَابِ الْمَسْجِدِ، فَقَالَ: «الآنَ حِينَ قَدِمْتَ» قُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ: فَدَعَّ جَمَلَكَ، وَادْخُلْ فَصَلِّ كَرْعَتَيْنِ، قَالَ: فَدَخَلْتُ فَصَلَّيْتُ، ثُمَّ رَجَعْتُ، فَأَمَرَ بِأَلَا أَنْ يَرَنِي لِي أُوقِيَّةً، فَوَزَنَ لِي بِأَلَا، فَأَرْجَحَ فِي الْمِيزَانِ، قَالَ: فَانْطَلَقْتُ، فَلَمَّا وُلَّيْتُ، قَالَ: «ادْعِ لِي جَابِرًا»، فَدُعَيْتُهُ، فَقُلْتُ: الْآنَ يَرُدُّ عَلَيَّ الْجَمَلَ، وَلَمْ يَكُنْ شَيْءٌ أَبْعَضَ إِلَيَّ مِنْهُ، فَقَالَ: «خُذْ جَمَلَكَ، وَلَكَ ثَمْنُهُ».

[خ 443، م 715، ت 1100، س 3219، د 2048، جه 1860].

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бир ғазотга чиқдим. (Қайтишда) туям мени ҳаяллатиб қўйди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимга келиб, менга: «**Эй Жобир!**» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. У зот: «**Нима гап?**» дедилар. Мен: «Туям мени ҳаяллатиб қўйди, чарчаб қолибди,

шунга орқада қолиб кетдим», дедим. Шунда у зот тушиб, уни миҳжанлари\* билан туртдилар. Кейин «**Энди мин-чи**», дедилар. Минган эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан (ўтиб кетмасин деб) тийиб туришимга тўғри келди.

У зот: «**Уйландингми?**» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. «**Бокирагами, жувонгами?**» дедилар. Мен: «Жувонга», дедим. У зот: «**Қиз бола бўлмабди-да, сен у билан, у сен билан ўйнашар эдиларинг**», дедилар. Мен: «Менинг сингилларим бор. Уларнинг бошини бир қилиб, ювиб-тараб, уларга бош-қош бўладиган аёлга уйланайин дедим», дедим. У зот: «**Энди сен (Мадинага) келиб қолдинг. Келганингда (аҳлингга) назокатли бўл, назокатли бўл!**» дедилар.

Кейин: «**Туянгни сотасанми?**» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. Шунда уни мендан бир увқияга\* сотиб олдилар. Ниҳоят, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (Мадинага) етиб келдилар, мен эса эртасига етиб келдим. Масжидга келсак, у зот масжиднинг эшиги олдида эканлар. У зот: «**Энди келдингми?**» дедилар. «Ҳа», дедим. У зот: «**Туянгни қўй. Кириб, икки ракъат намоз ўқи**», дедилар. Кириб, намоз ўқидим. У зот Билолга бир увқия ўлчаб беришни буюрдилар. Билол менга тарозини оғир қилиб ўлчаб берди. Мен кетмоқчи бўлиб ўгирилган эдим ҳамки, у зот: «**Менга Жобирни чақир**», дедилар. (Ичимда) «**Энди туямни ўзимга қайтарадиларов**», дедим. Мен учун бундан ёмони йўқ эди. У зот: «**Туянгни ол, пули ҳам ўзингга**», дедилар».

*Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.*

\* Миҳжан - бир учи қайрилган, илмоқли ҳасса.

\* Увқия - кумуш пул ўлчови. Бир увқия қирқ дирҳамга, аниқроғи 29,75 граммга тенг. Бу ўлчов бирлиги араб тилида вақия деб ҳам келади, биз ҳамма жойда увқия деб келтирдик.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



